



“ЭНЕРГЕТИК МЕНЕЖМЕНТ”ГА ЎТИШ ДАВРИ КЕЛДИ

Энергетика ҳар қандай айниқса, ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишининг асосий манбаи ҳисобланади. Бойси ишлаб чиқариш кўламининг ортиши, аҳолининг турмуш шароити яхшиланиши билан энергоресурсларга бўлган талаби ҳам ошиб боради.

Энергетика саноат ўсишининг 50 фоизини таъминлаш билан бирга умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўндан бирини ташкил этади. Энергия истеъмолининг ўсиши иқтисодий ўсиш мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ошишига олиб келади.

Юртимизда сўнгги 5 йилда электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми 61 млрд кВт соатдан 72 млрд кВт соатга ёки 1,2 баробарга ошди. Бунда аҳоли истеъмоли учун етказиб берилган электр энергияси 11 млрд кВт соатдан 16 млрд кВт соатгача ёки 1,5 баробарга ўсди. Саноат корхоналари сони 2 баробар кўпайиб, 100 мингтага етган бўлса, ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 бараварга кўпайди.

(Давоми 2-саҳифада)

МАҚСАД БИЗНЕС ЭМАС, МАЛҲАМ БЎЛСИН



Республикамызда “Док-1 Макс” препаратидан заҳарланиш фожиясидан кейин даҳшатлилиги даражаси бўйича ундан оғриқсиз бўлса-да, яна бир ноҳуш воқеа содир бўлди – боғча болалари йод дорисидан заҳарланди! Воқеа муносабати билан ижтимоий тармоқ ва интернет сайтлар кескин, асосли-асосиз танқидий, ғазаб билан билдирган фикрларига тўлиб кетди. Бундай ноҳушликларнинг сабаби нимада, деган саволга бир сўз билан жавоб бериш мумкин: назоратсизликда!

Қонун-қоидаларга риоя этмаслик, масъул шахслар томонидан ўз касбий вазифалар, тегишли зарурий амалларни бажармаслик (фақат қоғозда бажариш) шундай бахтсиз ҳодисаларга олиб келган. Ўзининг қонун доирасидаги назорат остида эканлигини ҳис қилмаган масъул шахс қонунларга риоя этишни, ўз лавозим вазифаларини лозим дара-

жада сифатли бажаришни ўйлармиди!...

Умуман олганда, сўнгги йилларда мамлакатимизда эзгу ва олижаноб мақсадларни кўзлаб амалга ошири-лаётган кенг ислохотлар самараси ўз вақтида ҳаётимизда акс этишига путур етказётган асосий омил ҳам ўша-ўша – назоратсизлик...

(Давоми 5-саҳифада)



ТИНЧЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАРАФДОР ИМИЗ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — бутун ер сайёрасида тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, давлатларaro ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган энг нуфузли тузилма. БМТ аъзоси бўлган ҳар бир давлат халқаро муносабатларнинг асосий тамойиллари акс этган ва халқаро шартномалардан иборат ташкилот уставида белгиланган мажбуриятларга амал қилади.

Қуролли тўқнашувлар, халқаро тинчлик ва барқарорликка таҳдидлар кучайган шароитда БМТнинг тинчлик ва ҳавфсизлик, барқарорлик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, барқарор ривожланишни таъминлаш йўлида аъзо давлатлар саъй-ҳаракатини бирлаштиришга қаратилган универсал халқаро тузилма сифатидаги роли ва масъулияти тобора ортиб бормоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорлик юксак даражага кўтарилди. 140 та қўшма дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 6 та резолюцияси қабул қилинди, Оролбўйи минтақаси аҳолисини ижтимоий қўллаб қувватлаш учун махсус Траст фонди фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Ташкилотнинг қатор нуфузли тузилмалари аъзоси этиб сайланди ва уларнинг ишида фаол иштирок этиб келмоқда. Биргаликда глобал кун тартибига эга, хусусан, озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, туризмни ривожлантириш, камбағаллик ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш масалалари бўйича йирик халқаро тадбирлар ўтказилмоқда.

Мамлакатимиз БМТнинг тўлақонли аъзоси сифатида БМТнинг мақсад ва низомларига қатъий риоя қилади, ўз овози ва мавқеига эга давлат сифатида эса Ташкилот фаолиятига оид фавқулодда муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари суради. Бу, айниқса, 2017 йилда Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илк чиқишидан буён яққол намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари Бош Ассамблея 78-сессиясида ҳам ҳамжиҳатлик ва амалий ҳамкорлик руҳини сақлаш, умумий манфаатларни мавжуд зиддиятлардан юқори қўйган ҳолда мамлакатларни жипслаштириш зарурлигини қайд этди.

Бу борада аниқ мисол сифатида умумий ҳавфсизлик ва тараққиётга қаратилган “Самарқанд бирдамлик ташаббуси”ни кўрсатиш мумкин. Унинг асосий мақсади турли мамлакатлар ва халқларнинг бугунги кунини ва истиқболи учун масъулиятни ҳар томонлама чуқур англаш, очиқ ва конструктив ҳамкорликка тайёр барча томонларни глобал мулоқотга жалб қилишдан иборат.

БМТ Бош қотиби ташаббуси билан 2024 йилда Келажак саммити ўтказилиши халқаро ва минтақавий тараққиётнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга, Ташкилотнинг таъсири ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилишига ишонч билдирилди. Президентимизнинг юксак минбардан туриб сўзлаган нутқидаги мамлакатимиз бўйича қатор принципиал фикрларини алоҳида кўрсатиб ўтсак.

(Давоми 4-саҳифада)

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИНГ ЧИН ДЎСТИГА АЙЛАНА ОЛДИМИ?

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этади. Уларни касб-хунарга йўналтириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, истеъдодларини рўёбга чиқариш асло кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири саналади. Зеро, ёш авлоднинг камолоти, қизиқишига бефарқ қараш эртанги кунимиз, келажакимизга лоқайдлик билан баробардир.

Кейинги йилларда юртимизда ёшларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида тизимли ислохотлар амалга ошириляпти. Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги тегишли қарорига асосан, мактаблардаги ёшлар етакчилари штат бирликлари қисқартирилиб, унинг ўрнига республикадаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди.

Хўш, ёшлар етакчиси лавозими нима учун жорий қилинди? Бугун ушбу тизим қандай натижа беряпти? Улар йигит-қизларимизнинг чин дўстига айлана олдимиди?

Қайд этиш жоиз, ёшлар етакчилари лавозимининг татбиқ этилиши, энг аввало, тенгдош — тенгдошга тамойили асосида юзага келадиган масалаларни тизимли ҳал қилишда ёшлар иштирокини янада кучайтирди. Ўз навбатида, маҳалла тизими ходимларини ўз хизмат лавозимида кирмайдиган топшириқлар, ортикча юктамалардан халос қилди.

Бугун ёшларнинг қизиқишларини, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ёшлар етакчиси яхши билади. Ҳозир қайси маҳаллада иш яхши ташкил этилган бўлса, ўша ҳудудда нохуш ҳолатлар кам бўлаётгани, ўша ҳудуд фаровон, ёшлари эса бахтлироқ яшаётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Ҳозирги кунда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар чоракда энг илғор 100 нафар етакчи бир ойлик маошга тенг пул мукофоти ҳамда “Янги Ўзбекистон ислохотчиси” кўкрак нишони билан тақдирланмоқда. Энг муҳими, яхши натижа кўрсатаётган етакчилар давлат эътиборидан четда эмас.

Ёшлар етакчилари маҳалладаги ёшларни рози, оғирини енгил қилиш, уларга муносиб турмуш шароитини яратишдек муҳим вазифаларни бажармоқда. Ўтган даврда уларнинг бевосита кўмаги билан кўплаб ёшларимиз имтиёзли кредитлар олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйди. Масалан,

Самарқанд вилояти, Нуробод тумани “Сазаған” маҳалласида яшовчи Фуркат Каримов ўз бизнесини йўлга қўйиш учун 300 млн. сўм имтиёзли кредит олиб мебел ишлаб чиқариш фаолиятини бошлади. Айни вақтда у 8 нафар маҳалла ёшларини доимий бандлигини таъминлаш баробарида ойлик айланма маблағ ҳажмини 100 млн. сўмга етказган.

Ёшларни қишлоқ хўжалигида банд қилиш учун 254,6 минг нафар ёшларга 66,3 минг гектар экин майдони ажратилди. Хусусан, Хоразм вилояти, Янгибозор тумани Шоирлар маҳалласида яшовчи Оғабек Юлдашев “Ёшлар дафтари”га киритилиб, унга “E-Auksion” орқали 30 сотих ер майдони ажратилган. Бугунги кунда ушбу ер майдонига помидор экиб, 14 млн. сўм даромад қилди.

Шунингдек, ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топиши ҳамда ўзини ўзи банд қилиши учун 55,5 минг нафарига 150 млрд. сўмлик асбоб-ускуналар ва меҳнат куруллари ажратилган бўлса, 13 минг нафар йигит-қиз ҳайдовчиликка ўқиши учун 12 млрд. сўм харажат қоплаб берилди. 15 минг нафар ёшларга тадбиркорлик ва касб-хунар ҳамда IT, хорижий тилларга ўқиши учун 28 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Албатта, мамлакатимизда ёшлар масаласига бу даражада катта эъ-

тибор қаратилаётгани бежиз эмас. Ёшлар етакчилари тизимининг йўлга қўйилгани эса уларнинг муурожаатларини маҳалланинг ўзида ҳал этиш, ўғил-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш, ёш тадбиркорлар сафини кенгайтириш, асосийси, маҳаллалардаги ишсизликни камайтиришга хизмат қилаётир.

“Ёшлар баланси”, “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига маҳалладаги ҳар бир ёшнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда саломатлик ҳолати юзасидан маълумотлар киритилаётгани ёшларни қийнаётган саволларга жавоб топишни янада енгиллаштирди.

Умуман олганда, ёшлар қанчалик билимли, касбли ва хунарли бўлса, мамлакат иқтисодиёти шунча тараққий этади. Бу борада етакчилар ёшларга яқин дўст, маслаҳатгўй ва кўмакдош бўлмоқда. Ушбу тизим бераётган самарани бугун маҳаллаларда тадбиркорлик ривожланиб, янги иш ўринлари, доимий даромад манбалари яратилаётгани, барқарор ижтимоий-маънавий муҳит мустаҳкамланиб, жиноятчилик камайиб бораётгани мисолида кўриш мумкин.

Муҳаммад ВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

(Боши 1-саҳифада)

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш, саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 миллиард долларга етказиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Электр энергияси бозори ҳозирги пайтда бутун дунёда энг кўп капитал талаб этувчи бозорлардан биридир. Мамлакатимизда энергия нархлари ҳукуматнинг саъй-ҳаракатлари, аниқроғи, ажратилаётган субсидиялар эвазига ушлаб турилгани билан унинг таннархи муттасил ўсмокда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида электр энергия нархи ўз таннархидан ҳам арзон нархда аҳолига етказиб берилиши, энергиядан ноқонуний фойдаланишлар, энергия нархининг арзонлиги сабабли исрофгарчилик ортиб бориши туфайли Ўзбекистоннинг электр энергияси, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва кўмир қазиб олиш соҳасида фаолият юритувчи аксарият энергетика компаниялари зарар кўриб ишламоқда. Соҳада бозор муносабатларининг жорий этилмагани боис мавжуд энерго тизимни модернизация қилиш, соҳага инвестицияларни жалб этишни имконсиз қилиб қўймоқда.

Халқимизда “Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ” деган мақол бор. Биз нафақат ўз оилавий бюджетимиз, балки бутун мамлакат иқтисодиёти ва келажакига таъсир қилувчи бу муҳим масалага аксарият ҳолларда шунчаки эътиборсизлик билан қараймиз.

Нархлар ошиши оила бюджетимизга таъсир қилмаслигининг ягона йўли — биз ҳаммамиз уни

“ЭНЕРГЕТИК МЕНЕЖМЕНТ”ГА ЎТИШ ДАВРИ КЕЛДИ

назорат қилишга, шу орқали тежашга ўрганишимиз лозим. Электр энергия харажатларини камайтиришдан энг аввало якуний истеъмолчининг ўзи, давлат, қолаверса экологияга зарарнинг камайиши натижасида бутун жамият ҳам манфаатдордир.

Ҳозир дунёнинг ривожланган мамлакатларида бу борада алоҳида тизим шаклланган. Масалан, Европада “энергетик менежмент” деган тушунча бўлиб, уй хўжаликлари энергия ресурсларини сарфлашда турли замонавий воситалар ва усуллардан фойдаланишади. Турли-туман тарифлар, энергия тежаш дастурлари, “қиммат энергия соатлари”да уни камроқ ишлатиш, уйдаги энергия сарфини реал вақт режимда кўриб туриш сингари инструментлар тобора оммалашиб бормоқда.

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ўтказган тадқиқотлар натижаларига кўра, респондентларнинг 50 фоиздан ортиғи ўз хонадонидан бир ойда қанча электр энергияси сарфланиши ҳақида билмайди. Ривожланган мамлакатларда эса энергия ресурслари сарфини уй хўжаликлари даражасида қатъий

назорат қилиш, “энергетик менежмент”ни оила бюджетининг асосий шартига айлантириш, бу жараёнга “ақлли мониторинг” усулларини фаол жорий қилиш орқали мамлакат миқёсида 30-40 фоизгача тежамкорликка эришиш мумкинлиги аллақачон исботланган.

Шу нуқтаи назардан, бу борада энг аввало, барчамиз “Бир ойда қанча газ, қанча электр энергияси ёқяпмиз, қанча сув ишлатяпмиз?”, деган саволга аниқ жавобга эга бўлишимиз керак. Шунингдек, энергия ресурслари сарфини аниқ ва тўғри ҳисоблайдиган, замонавий ҳамда инновацион ечимларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ.

Мухтасар айтганда, бугун барчамиз учун “энергетик менежмент”га ўрганиш вақти келди. Демак, ҳар биримиз туну кун шунчаки ёниқ турадиган чирокларни ўчириб юришга ўрганишимиз керак. Бу ишлар биздан маблағ сўрамайди, шунчаки биздан бир оз масъулиятли бўлишни талаб этади, холос.

Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати



“...Жамоага бирлашган одамлар хавфсизлиги ва турмуш фаровонлиги ҳукумат, шунингдек, амалдаги қонунлар зиммасида. Дин, маърифат, адабиёт ва санъат, илм-фан эса, гарчи унчалик босим ўтказмаса-да, аслида қонундан кучлироқдир. Булар кишанларни гуллар билан безаб туради, эркинлик деб аталмиш азалий ҳиссиётни ўт олдирмай, муте ҳолидаги кишиларни кўрган кунига шукур қилиб, ҳаётни севиб яшашга ундайди. Бу эса уларни маданийлашган халқлар қаторига қўшади...”

Бу истехзо Жан-Жак Руссога тааллуқли. У санъат ахлоқнинг покла-нишига ёрдам бера олмайди, деган қараш тарафдори эди. Қолаверса, у яшаган замон ва мавжуд иқлим адиб шундай қарор қабул қилиши-га замин яратган. Бироқ орадан кўп ўтмай, буюк Толстой ҳам мусиқа ҳақида фикр юритиб, (бу ўринда гап бачкана мусиқа ва кўшиқ ҳақида) у қалбни ўтмаслаштиради, дейди ва кинояли тарзда қўшиб қўяди: Гали-ция князларидан бири қаерда кул кўп бўлсин десанг, у ерда мусиқага куч бер, деган. Лекин ўлаётиб қул-ларни бошқаришдан чарчадим, дея тан олган... Бу ўринда икки файла-суф ёзувчи ҳам халқ ва миллатнинг шаклланишида юқоридаги унсур-ларнинг ролини инкор этмаган ҳол-да бир хил фикрни айтмоқда. Яъни, Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, манкурт билан буюк дав-лат ҳам, фаровон жамият ҳам қуриб бўлмайди. Биз тикламоқчи бўла-ётган жамият негизини эса авом раият эмас, онгли фуқаролар ташкил этмоғи керак. Шундай экан, бу жабҳадаги ислохотлар қуйидаги-ларда кўринади. Мусиқа, кино ва шоу-бизнес.

“Юлдузлар” ширкати

Бугун мусиқа ва кўшиқчилик-даги сиёсатимиз хийла издан чиққан, десак янглишмаган бўла-миз. Худди кўзикориндай бодраб чиқаётган хонандаларнинг адоғи кўринмайди. Сочи силлиқ тарал-ган, қулоғига ҳалқа тақиб, тор шим кийган, жинси одамда шубҳа уй-ғотувчи бу тоифа қаёқдан пайдо бўлаётир. Телеэкранлар шу “бой-вачча”лар билан банд. Кўнгилочар газеталар “замонамиз қаҳрамон-лари”ни “эстрадамиз юлдузи” деб олқишлайди. “Юлдуз” эса беҳаё-ларча сизга қадалиб қарайди ва қў-лини бигиз қилиб беўхшов кўшиқ айтади.

Хўш, уларни ким илҳомлантир-моқда? Гоҳида, бир пайтлар биз миллий эталон сифатида қараган Фарҳодмонанд, жасоратли, куч-ли-қудратли, ёки бўлмаса, Ота-бекдек тарбия кўрган ва бу хислат юз-кўзида силқиб турган йигит-лар, нима, ўтмишда колдими, деб ўйга толасан, киши. Болаларимиз-га бундай беҳаё қилиқларни, чи-ройли қилиб кўрсатаётган сўхтаси совуқларга тўзим борми, дегинг келади. Уч-тўрт алмойи-алжойи хониши билан кўриниш бергач, катта экранга чиқиб, ақл ўргатади. Тарихи неча минг йилдан зиёд бу



ЎТИН ЁРИШДАН ҚАЧОН ТЎХТАЙМИЗ?



улуғ халққа қандай яшамоқдан “са-боқ” беради, ҳатто алқаб дуога қўл очишга ундайди. Хўш, бу оммавий маданиятнинг нима ҳаққи бор бун-дай қилишга. У кимнинг арзандаси, ўзи? Албатта, бундай ғазаб ҳозир аксарият кўпчиликнинг юрагида тўлиб тошмоқда. Зероки, пичок бориб суякка қадалди.

Бугун кўшиқчилик телевиде-ние орқали ўз атрофига энг кат-та аудиторияни йига олиш имко-нини намоён этди. Демак, ёшлар тарбиясига унинг таъсири жуда катта. Шундай экан, жамоатчили-гимиз кўшиқчилик ҳақида экран маданияти, шоу тадбирлар ва ра-диотўлқинлар, айниқса, арзонга-ров дисклар орқали тарғиб этила-ётган майнавозчиликлар ҳақида жиддий ўйлаб кўрмоғи лозим. Биринчидан, ижрочининг овози, маҳорати, ахлоқ-одоби, қолавер-са, бадий тафаккурини кўриқдан ўтказиб, ундан сўнг унга рухсатно-ма бериш; Иккинчидан, кўшиққа солинаётган матннинг бадий-эстетик, ғоявий-маърифий қийма-ти мутахассислар томонидан ал-батта, кўриб чиқилиши керак. Не-гаки, бугун аксарият хонандалар, бошловчи ҳам, халқ артисти ҳам косиб-шоирлар ёзган маъно-мазмунсиз, яъни, маърифий аҳамияти бир пулга қиммат матн билан ре-пертуарини “бойитаётир”. Бундай кўшиқлар одамларнинг вақтини олишдан ўзгага ярамайди. Соҳа ислохотни талаб этмоқда. Бу эса, шубҳасиз, миллий ахлоқ ва та-факкурга зиён етказди. Агар би-рон-бир тадбиркор нотўқис оёқ кийими ишлаб чиқарса, у сизнинг оёғингизни майиб қилиши мум-кин. Паст савияда ёзилган кўшиқ эса миллион-миллион дидларни ўтмаслаштиради. Афсуски ҳозир Ўзбекистонимизда “юлдузлар” ширкати гуллаб яшнамоқда. Биз ҳатто, экранга сиғмай қолмасин, деган хавотирда янгидан-янги те-леканаллар очмоқдамиз...

Қаҳрамон бошига дўппи кийса, “миллий кино” бўлиб қоладими?

Кино соҳасини айтмаса ҳам бўла-ди. Бизда бу соҳада мактаб бор эди, аммо у парокандаликка юз бурди. Ўзбек киночилари томонидан ўт-ган 25 йил ичида “Барон”, “Зарб”, “Баракасини берсин”, “Осмонда-

хий қаҳрамон Отелло ҳақида фильм ишлаб, катта шухрат топди.

Шу ўринда бир мумтоз санъат намунасига тўхталмаса бўлмайди. Мэл Гибсон бош ролни ижро қил-ган “Шерюрак” фильми. Камина шу ёшга кириб, инсон эрки, ҳамияти, муҳаббати ва садоқати бор бўйи-ча улуғланган бошқа бир фильмни кўрган эмасман. Асар қаҳрамони

ги болалар”, “Ватан”, “Кўрғошин” ва яна шуларга ўхшаш тўрт-бешта фильмларни айтмаса, арзирли йи-рикрок бир иш қилинди, деёлмай-миз. Айрим ўйноқи режиссёрлар ҳа-мон “миллий кино” дегани бошига дўппи, эгнига тўн илган қаҳрамон тимсолидан иборат, деган тушунча билан яшаётир. Бу моҳиятан соцреа-лизм темир қондаси бўлган “шаклан миллий, мазмунан социалистик” де-ган ақидага жуда ҳамоҳанг. Қолбу-ки, кино мафкуравий таъсир кўлами жихатдан энг илғор соҳа. Ўз вақти-да “пролетариат дохийси” “Барча санъатлар ичида биз учун энг муҳи-ми кинодир” деб бежиз айтмаган. Коммунистлар ҳинд киноиндустри-яси оёққа туриши учун кўп кўмак берган. Маълумотларга кўра, XX асрда Болливуд топган даромаднинг 80 фоизи Собик Иттифоқ ҳиссаси-га тўғри келган. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта. Асосийси, Болливуд ишлаган картиналар сен-тиментал руҳияти билан уйдирма воқеаларни пардалаб ташларди, яъни, совет воқелигига мос ва мо-нанд эди. Чучмал ва ҳаёлий мотив-лар устига қурилган бундай асарлар мазлум халқларни миллий озодлик деган мўътабар интилишдан чалғи-тиб турарди. Ва коммунизм ҳаёли билан яшашга ундарди...

Кино санъати катта кучга эга экан, келинг, биз ҳам энди ундан миллий манфаатларимиз йўлида фойдаланайлик. Ўзбекистон улуғ алломалар, ҳадис илмининг, шеъ-риятнинг султонлари, Озодлик йў-лида жон олиб-жон берган Тўма-рис, Афросиёб, Жалолитдин, Амир Темур, Темур Малик, Мадаминбек, Файзулла Хўжаев каби мислсиз ва-танпарварлар Ватани. Бундай та-рих, бундай миллат дунёда йўқ. Лекин уларнинг бирортаси ҳақида дунёга чиқадиган асар яратилма-ди, ҳали. Қайтанга Голливуд кино ижодкорлари Ибн Сино ва тари-

дунёнинг жами неъматидан озод-ликни баланд қўяди.

Асар шотландларнинг ёвуз ва тубан босқинчиларга қарши ку-раш ҳақида. Қолбуки, Мэл Гибсон ирланд фарзанди. Ирландлар ҳам шу зулмни жонидан ўтказган. Шу-нинг учунми, дунёдаги ҳамма неъ-матларнинг онаси — Озодлик деб дунёга жар солади.

Албатта, ўзбек халқи тарихи-ни Шотландлар тарихи билан тенглаштириб бўлмайди. Лекин улуғ санъаткор шу тарихдаги бир жангу-жадал воситасида дунёга ўз гапини айтган. Ўлмас асар...

Энди сиз суронли кечмишга бир назар солинг. Тўмариснинг шав-кати ўз вақтида Европани ларзага солган. Қанчадан-қанча асарлар яратилган. Ҳатто ўша Жанна д-Арк ҳам Тўмарисдай бўламан, деб май-донга чиққан.

Тўмарис ҳақидаям “Шер-юрак”дай фильм яратиш мумкин. Лекин қани шу, фильм. Ёки бўл-маса, Широқ, Амир Темур, Темур Малик каби ёвқур ватанпарварлар, Имом Бухорий, Мотуридий, Тер-мизий, Хоразмий, Беруний каби мислсиз алломалар ҳақида нега фильм ишламаймиз? Ахир, улар ҳақида яратилган асар, агар му-камал бўлса, бугун биз жойларда ўтказаётган “Миллий ғурур ва ва-танпарварлик” мавзуидаги ҳар қан-дай семинару йиғилишдан таъсир-ли ва яшовчан бўлмайдами?

Тўғри, соҳа ислох қилинаётган-иям бор гап. Буларга қўшимча равишда яна бир таклиф шуки, кў-шиқчилик ва кино санъати атрофи-да етук тарихчилар, бастакорлар, қадимшунослар, тилчилар, ёзувчи ва шоирлар, адабиётчилардан ибо-рат махсус комиссия тузиш, ишни ҳамкорликда ташкил этиш, мазкур соҳаларни босқичма-босқич мил-лий руҳда шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Ўрол СОДИҚ

ТИНЧЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАРАФДОРМИЗ

(Боши 1-саҳифада)

Биринчи навбатда, бу ҳукукий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлмиш янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини қатъий давом эттириш ҳақидаги баёнотига тааллуқлидир. Яъни Ўзбекистон “Инсон қадри ва манфаатлари учун” деган эзгу ғоя асосида демократия ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган туб ислохотлар йўлидан дадил илгари боришини англатади.

Ўз навбатида, халқимиз манфаатларига тўла жавоб беради. Хусусан, глобал таҳдидларга қарамасдан, сўнгги олти йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми бир ярим мартадан ортиқ кўпайди ва 2030 йилга қадар бу кўрсаткични яна 2 баробарга ошириш режалаштирилган. Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган сиёсат туфайли мамлакатимизда 2017 йилдан буён камбағаллик икки баробар камайди. 2030 йилгача уни 7 фоизга тушириш режа қилинган.

Ташқи сиёсатда Ўзбекистон учун бундан буён ҳам Марказий Осиёда яхши қўшничилик, барқарорлик, ўзаро ҳамкорлик ва ривожланиш муҳитини мустаҳкамлаш йўлидан қатъий бориш муҳим аҳамиятга эга. Уни тинч ва гуллаб яшнаётган ҳудудга айлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатида бундан кейин ҳам устувор мақсад бўлиб қолади. 2017 йилдан буён Ўзбекистон ва барча қўшни мамлакатлар биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли давлат чегаралари, транспорт коридорлари ва сувдан фойдаланиш бўйича муаммоларни бартараф этишга муваффақ бўлди.

Хусусан, минтақа давлатлари ўртасида ўзаро савдо икки ярим баробардан зиёд, қўшма корхоналар сони эса беш марта ўсди. Минтақамиз иқтисодий ривожланиш марказига, Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни боғлайдиган транспорткоммуникация кўпригига айланиб бормокда.

Шу ўринда Шавкат Мирзиёев илгари сурган глобал ва минтақавий кун тартибидаги энг долзарб масалалар ечимига қаратилган қатор ташаббусларга тўхталиб ўтсак.

Биринчидан, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ушбу соҳада ҳамкорликни кучайтириш мақсадида яқинда минтақамиз давлатлари томонидан Ёшлар сиёсатининг умумий йўналишлари ҳақидаги битим имзоланди. Бу соҳада БМТ ва унинг ихтисослашган тузилмалари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш ва унинг доирасида “Марказий Осиё ёшларининг кун тартиби — 2030” дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Иккинчидан, экстремизм тарқалишига, ёшларнинг радикаллашувига йўл қўймаслик учун биргаликдаги ҳаракатларни фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди. Экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича Миллий стратегиямиз доирасида илгари экстремизм ғоялари таъсирида бўлган шахсларни соғлом ҳаётга қайтариш ва жамиятга мослаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Ўзбекистон бу йўналишдаги ҳаракатларни давом эттириш учун БМТнинг Терроризмга қарши кураш бошқармаси шафелигида уруш ҳудудларидан қайтганлар билан тизимли ишлаш бўйича Минтақавий экспертлар кенгашини тузишга қаратилган амалий кадамларни ташлади.

Учинчидан, Шавкат Мирзиёев сўнгги пайтларда айрим мамлакатларда кўзга ташланаётган диний тоқатсизлик, исломофобия ҳолатларига йўл қўймасликка чақирди. Жаҳон микёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва

бағрикенглик халқаро марказини ташкил этиш таклиф қилинди. Буюк олимларнинг бой меросини ўрганиш, исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида 2024 йил Ўзбекистонда “Ислом — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Тўртинчидан, Президентимиз Афғонистоннинг музлатилган халқаро активларини бу юртдаги ўтқир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтириш учун мақбул механизмларни ишлаб чиқишга чақирди.

Қайд этиш жоизки, БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида иштирок этиш Президентимизга АҚШда қатор учрашувлар ўтказиш имконини берди. Хусусан, Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари етакчиларининг “C5+1” форматидаги биринчи саммитида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари бутун минтақа ривожини учун стратегик аҳамиятга эга бўлган, жумладан, транспорт йўлакларини ривожлантириш ва бошқа шу каби устувор йўналишларни кўрсатиб ўтди.

Умуман олганда, Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси сифатида тенглик, ҳамкорлик, кўп қирралилик ва халқаро сиёсий тизимни ҳимоя қилиш тамойилларига содиқ эканини кўрсатмоқда. Президентимизнинг чиқиши Ўзбекистон сўнгги йилларда халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик, мулоқот, глобал ҳаракатларни йўлга қўйиш, бутун дунёда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташаббускори бўлаётганини яна бир қарра яққол кўрсатди.

Актам ҲАИТОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари

ЎҚИТУВЧИНИНГ “ҚУРОЛИ”

Кейинги йилларда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида таълим тизимига катта эътибор қаратила бошланди. Бунинг натижасини ҳар биримиз кўриб турибмиз. Зеро, ватан тақдири, эртанги кун учун ҳар соҳада етук мутахассислар етишиб чиқиши бугун таълим соҳасига қаратилаётган эътиборга чамбарчас боғлиқдир.

Фахрланиб айтамикки, ўқитувчи мақоми юксалди. Уларнинг ҳурмат ва эътибори жойига қўйилиб, ўқитиш сифатига урғу беришга аҳамият қаратилмоқда. Илгари ўқитувчи дейилса, бўлди, ҳамма унга иш буюрарди. Дала ишлари, ҳашар, яна бошқа жамоат ишлари ҳам унинг зиммасида эди. Бечора ўқитувчининг асосий вазифасини унутиб қўйган эдик, гўё. Энди у кунлар ортда қолди. Бугун ўқитувчи ва педагогдан фақат бир нарса талаб қилинапти: у ҳам бўлса ўз ишига меҳр ва садоқат билан ёндошиш.

Ҳар бир ўқитувчидан фақат дарслик билан чекланиб қолмаслик, ўқувчиларга фан бўйича мумкин қадар кенгрок билимлар беришга эришиш талаб қилинади. Аммо дарслик, маълумки, ўқувчилар шу фандан шу синфда ўзлаштиришлари лозим бўлган минимал, яъни энг камидаги билимлар мажмуасидир. Бу гаплар фақат эслатиб ўтиш учун келтирилди, муддао эса шуки, кўп йилдан бери шу соҳада ишлаб тарбиявий соат-

ларда ўрганилиши лозим бўлган, тарбия бўйича минимал билимлар мажмуаси бўлган дарслик йўқлигидан таассуф чекиш вақтларимиз кўп бўлганди.

Нафақат тарбиявий соатларда, балки ҳар бир дарсда тарбия ишлари олиб борилиши керак, ўқитувчининг дарс ишланмасида уч йўналишли мақсадлар кўзда тутилади: таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи. Аммо тан олиш керакки, фанлар дарсларида ўша кунги мавзу етакчилик қилади, бу эса таълимий мақсадга тааллуқлидир. Хоҳласа-хоҳламаса, ўқитувчи асосий эътиборни шунга қаратиши лозим, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларга эса моҳир ва тажрибали устозларгина керакли даражада эриша оладилар.

Бир неча ўқувчи уй вазифасини бажармаган, муаллим бунга муносабатини маълум қилса-да, жиддий тўхталиб ўтишга вақти йўқ: мавзунини ўргатиш лозим. Натижада эртасига бугунгидан кўпроқ ўқувчи уй ишини бажармасдан келади.

Жазо ҳақида эса ҳар хил фикрлар мавжуд. Биров вақт-вақти билан жазо чоралари қўллаб туриш ҳам керак деса, бошқалар жазонинг фойдадан кўра зарари кўпроқ, деган фикрларни ҳам илгари суради.

Тарбия учун энг асосий восита эса китоб, китобхонлиқдир. “Адабиёт” сўзининг асосини “одоб” ташкил этади. Барча яхши китоблар тарбия мақсадини кўзда туттади. Бевосита тарбиянинг ўзига бағишланган китоблар ҳам кўплаб нашр этилмоқда. Хоҳлардимки, ҳар бир муаллим ёки муаллиманинг ўз фанига тегишлиларидан ташқари тарбия бўйича ўз “настольная книга”си бўлса, ўша китобдан мунтазам фойдаланиб, бошқаларни ҳам ундан баҳраманд этса. Шу тарзда бир билим даргоҳи мураббий ва мураббиялари тарбия бўйича бир қанча муҳим китобларни вақт-вақти билан ўзаро ҳамкасблари орасида ва энг муҳими, шогирдлари орасида тарғиб қилиб, ўзлаштириб борилишини йўлга қўйсалар. Улардан нафақат тарбия дарсларида, балки бутун таълим-тарбия жараёнида кенг фойдаланиш ишларини йўлга қўйиш чоралари кўрилса яхши бўларди деб ўйлайман. Зеро, ўқитувчининг тилини узун қиладиган, ҳамма жойда бошини баланд тутқазадиган қурол бу, китобдир, муталаадир.

Зохид САИДОЛИМОВА,

Низомий номидаги ТДПУ Хорижий тиллар
факультети тютори

МАҚСАД БИЗНЕС ЭМАС, МАЛҲАМ БЎЛСИН

(Боши 1-саҳифада)

Кейинги вақтларда одамлар фармацевтик препарат у ёқда турсин, оддий озик-овқатдан ҳам захарланган ҳолатлар кўплаб учрамоқда... Қулаётган кўприклар, янги қад ростлаган омонатгина уйлар, омбордаги портлашларни ҳам зарурий назоратнинг йўқлигидан деб биламан!

Назорат органлари орасида ҳодимлари энг кам маош оладиган идора – бу санитария эпидемиология назорати идораси бўлса керак... Уларга юқори маош беришга не ҳожат... “Тозалик посбонлари” корхона ва ташкилотларнинг санитария ҳолатини (айниқса умумий овқатланиш корхоналарида!) “текшириб”, “назорат қилиб”, ҳақиқий аҳволга кўз юмиб ўз “ризкини” топиб юришибди... Янглишаётган бўлсам, олдидан узримни сўрайман!

Шу йил 18 август куни Президентимиз тадбиркорлар билан учрашувда уларни қонун олдидаги масъулиятини англаб етган, тўлиқ ҳис қилган ҳолда фаолият юритишлари лозимлигига ишора қилиб, “Ҳозирги кунда мамлакатимизда “хуфиёна иқтисодиёт”нинг улуши 40 фоиз атрофида... Солиқлардан қочиб, ўзининг мажбуриятларини бажармасдан келаётган кўштинрок ичидаги тадбиркорларга, биз албатта мурасисиз бўламиз” деб, таъкидлаган эдилар.

Афсуски, “хуфиёна иқтисодиёт”нинг асосий сабаби назоратсизлик эканини англаб етганимиз йўқ. Хўжалик субъектлари фаолиятининг қонун доирасида мунтазам равишда текшириб турилишига жамоатчили-

гимиз тадбиркорлик фаолиятига чеклов ва ноқулайлик деб қарайдиган бўлиб қолди. Аслида эса, қарашларимизни ўзгартириб, қонун доирасидаги назорат амалларини, текширувларни қонуний, ҳалол тадбиркорлик эркинлигининг гарови, деб ҳисобласак, айти муддао бўлар эди!

Соғлиқни сақлашга келсак, сўнгги йилларда мамлакатимизда хусусий тиббиётни ривожлантиришга катта эътибор берилишига соҳада тўлиқ маънода хусусий бизнесни ривожлантириш сифатида қарамаслик лозим, деб ўйлайман. Зеро, қонунларимизда хусусий тиббиёт субъектлари солиқлардан озод этилиши ва уларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга бепул тиббий хизматлар кўрсатиши, шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамни бепул кўрсатиши мажбурияти белгиланган. Бу каби нормалардан нодавлат тиббий хизмати (de jure) «хусусий» деб ном олганига қарамасдан, амалда (de facto) нотижорий бўлиши кераклиги келиб чиқади. Бинобарин, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг тадбиркорликни «даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият» сифатида таърифлайдиган 3-моддаси нормасини тўлиқ маънода соғлиқни сақлашга қўллаб бўлмайди. Акс ҳолда, бизнес-медицина одамлар кўпроқ касалланишидан моддий манфаатдор бўлиб чиқади... Бу – абсурд, беъманилик!

Демак, реал иқтисодиётда тадбиркорликни ривожлантириш асосида ижтимоий соҳани тутиб туриш



учун молиявий база яратиб, тиббий хизматлар давлат ёки суғурта фондлари орқали молиялаштириладиган нотижорат ташкилотлари томонидан кўрсатилишини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Президентнинг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4890-сон қарори билан соғлиқни сақлаш соҳасига тиббий суғурта тизимини жорий этиш бўйича вазифалар белгиланган ҳамда Давлат тиббий суғурта жамғармаси ташкил этилган. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тўпланган тажриба нотижорат тиббиётини кенгайтириш бўйича кейинги чора-тадбирларни амалга оширишда инобатга олиниши зарур. Айрим тиббий хизматлар қисман ёки ҳатто тўлиқ тўлов асосида кўрсатилиши мумкинлигини инкор этмаймиз. Аммо пуллик дегани ҳар доим ҳам тадбиркорлик фаолиятини англаб қолмайди. Пуллик тиббий хизматлар бизнес субъектлари хизмати сифатида эмас, балки нотижорат

ташкилотлари хизмати сифатида кўрсатилиши керак.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги вазиятни тузатиш учун қонун ҳужжатларига (1) нодавлат тиббиёт ташкилотлари фақат ННТ – нодавлат нотижорат ташкилоти шаклида тузилиши мумкинлигини, (2) бир-икки йил ичида барча мавжуд тижорат тиббиёт ташкилотлари ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириб, нодавлат нотижорат ташкилотларига айланишини белгилловчи, (3), тиббий хизматлар ва дори воситаларининг ҳар қандай тижорат рекламасини тақиқловчи нормаларни кириштириш, фармацевтика корхоналари ва дорихоналар фаолияти устидан назоратни кучайтириш, рецепт бўйича бериладиган дори воситалари рўйхатини кенгайтириш лозим.

Хуллас, ижтимоий давлатда соғлиқни сақлаш соҳасида бизнес қилиб бўлмайди!

Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ
иқтисод фанлари номзоди

НИЯТНИНГ ЎЗИ КАМЛИК ҚИЛАДИ

Бир ривоят ўқигандим. Унда шундай ёзилганди. Ўрта ёшлардаги бир эркак оддий ишда ишлар, маоши ҳам ҳаминқадар экан. У катта лавозимга кўтарилишни, мансаб эгаси бўлишни истаб қолибди. Шу ниятда ҳар кун Яратганга илтижо қилибди. Охири тилаги ижобат бўлиб, лавозими ошибди. Унга алоҳида хона ажратишибди, хизмат машинаси ҳам тайинланибди. Имтиёзлар берилибди. Аммо мансаби ошгани билан ўша ўртача савияда қолган экан. Зиммасига юкланган ишни бажаролмай, ўсал тортибди. Ходимларига иш буюришга тортинар, каттиқрок гапиришга олган тарбияси йўл бермас экан. Бу ҳолдан ходимлар кулиб, очик-ойдин нописандликка ўтибди. Бошлиқнинг ҳурмати йўқолибди. Нима қилишни билмай, охири ариза ёзиб, ишдан бўшабди.

Бу бор-йўғи бир ривоят, холос. Аммо ҳар бир ривоят таг замирида ҳақиқат, катта бир ҳикмат борлигини инкор эта олмаймиз.

Орзуга айб йўқ, дейишади. Яна яхши ният-ярим мол деган нақл ҳам бор. Инсон тирик эканки, орзу қилишдан тўхтамайди. Кимдир тўсатдан мол-дунёга эгалик қилиб, бойишни, кимдир машҳур бўлиб, обрў-нуфузга эришишни истади. Яна биров энг сўнгги моделдаги машинани харид қилиб, ҳамманинг кўзини қувнатиб, ҳайдагиси келса, яна биров дунё кезиб, донғи кетган мамлакатларни ўз кўзи билан кўришни хоҳлайди.

Баъзан ўйга толаман: «Орзу қилишда ҳам меъёр, чегара бўладими? Нимани ният қилиш кераклигини билиш шартми? Тилак билдириш учун ҳам кишида савия, билим бўлиши керакми?..»

Мактабда ўқиб юрган пайтларимиз эсдалик дафтар тутишни одат қилгандик. Бу дафтарга синфдошлар «Эсдалик дафтари» муаллифи борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришар ва шу билан бир қаторда унда битилган бир талай саволларга жавоб ҳам ёзиларди. Унда-



ги энг қизиқарли ва баҳсу сабабларга сабаб бўладиган савол мана шу эди: «Хизрга дуч келсангиз, нима ларни сўраган бўлардингиз?...»

Албатта, ҳар бир ўқувчи жавоб тариқасида ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, кўнглидаги умиду орзуларини белгиларди. Баъзилар айтиш дами нимага эҳтиёж сезаётган бўлса, шунга эришишни, баъзилар эса ҳаётда одам ўз кучи билан эришиши душвор бўлган қимматбаҳо буюм, уй-жой, энг сўнгги урфдаги машина каби нарсаларга эгалик қилиш ҳақида ёзишарди. Ўқувчилар орасида санокли кишиларгина «юртимиз абадий тинч бўлсин!», «ота-онамнинг умри узун бўлсин!», «ҳаммага саломатлик тилайман!» каби самимий тилак ва пок ниятларни ёзиб қолдиришарди. Бу беғубор олам вакиллариининг тилаклари қанчалар самимий бўлмасин, шу пайтданок уларнинг кўнгли нимани

тусаётгани, нимани хоҳлашаётганидан қайси манзилни кўзлашаётгани, ҳаётнинг қайси кўчаларига бўйлашаётгани маълум бўлади. Ўзига энг сўнгги урфдаги машина тилаётган бола билан бутун бир башариятга тинчлик сўраётган болани қиёслаб, иккинчисини ёқтириб қолишингиз табиий. Негаки, у худбинлик кўчасига бўйламай, қадамларини ёруғ ва эзгу йўл узра ташламоқда.

Болалик пайтларимда раҳматли буюм дастурхон йиғиштирилишидан аввал қафтларини дуога очиб, шуларни тиларди: «Аввало тани сихат, хотиржамлик, дилибегамлик, тинчлик бер. Камни берсанг ҳам, ғамни берма. Мушкулларимизни осон қилгин. Душманга хор, номардга муҳтож қилмагин...»

Тинчлик. Саломатлик. Хотиржамлик. Инсон учун муҳими шулар. Тўғри эмасми?

Умид АЛИ

Юрсиналининг ўзи келмади, “гапи” келди:
“Ховли – жой меники! Агар акам уни бир
қаричини сотадиган бўлса, бориб уйига
ўт қўяман”, депти. Шундай депти! “Бориб
айтинглар, ақлини еган у нодон хушини
хушлавосин, кейин кеч бўлади!” депти яна.

ТИЛ ЗАРБИ ТИҒДАН ЁМОН

Бу гапни эшитган Турсуналининг тепа сочи тикка бўлди. “Бу қанақаси? Нима, у бу гапи билан мени кўрқитмоқчими? Нима қилмоқчи? Ахир, уй-жойда унинг қандай ҳаққи бўлиши мумкин?!” дер, рўпара келганга укасининг “ҳеч бир инсонгарчиликка тўғри келмайдиган” бу иддао-ю дағдағасидан гап очиб ёзғирар, ҳар чанд ўзини босишга ҳаракат қилмасин босолмас, жиғибийрони чиқиб, тобора фиғони фалакка чиқарди.

– Яхшиси, ўзингизни бунчалар қийнамасдан судга беринг-қўйинг! – деди хотини Гуласал.

– Қариганимда бир қориндан тушган ўз укам билан судлашим қолувди! – деди бунга жавобан Турсунали. – Э, йўқ! Тошкентга, уйига бораман. Ўзи билан юзма-юз гаплашаман...

Турсунали ўша куннинг ўзида йўлга отланди.

Баҳор эди. Тоғлар, боғлар, бутун борлиқ уйғонмоқда эди. Осмон тиник, мусаффо, ён-атроф киши кулфи – дилини очадигана даражада гўзал, фусункор эди. Борлиқ яшилланиб, яшнаб борарди. Аммо “Такси”нинг

олдинги ўриндиғида ўз жигари тил захридан дили-дунёси қоронғи бўлиб, мунгайибгина бораётган Турсуналига бу ҳавои жаҳон ҳам, табиатнинг бу ҳусну таровати ҳам татимас, ҳаёлида укаси, унинг куракда турмайдиган сўзи, жигари билан ҳаёлан талашиб, тортишиб борарди...

Улар отадан икки қиз, икки ўғил эдилар. Қизлар ота-онаси тириклигида бири қўшни қишлоққа, бири бўлса олис Сурхон томонларга турмушга чиқиб кетди. Кенжатоилари Юрсин Тошкентга ўқишга бориб, имтиҳонлардан ўтолмай қандайдир қурилиш ташкилотига ишга кириб, ўша ерда ўрнашиб қолди. Шунга ҳам ўттиз йилча бўлдиёв... Укаси Сергилидаги кўп қаватли уйларнинг бирида туради. Бир қиз, бир ўғли бор. Қизини чиқарган. Ўғлини ҳам уйладими-ей... Бунисидан беҳабар Турсунали. Отаси ўлганда бир ров келганича қорасини кўрсатмайди Юрсин. Қишлоққа қадам қўймаганига йигирма йилдан ошди. Бир гал онаси раҳматли кенжасини соғинганини айтиб ёзғирди. “Неча йилдирки, қорасини кўрсатмаса, онам ўликми-тирикми, демаса, яқинла-

рини соғинмаса-я, шунақаям бемехр бўладими, одам дегани?”, дея йиғлади. Бунга чиқолмаган Турсунали онасини олиб йўлга тушди. Сергелига бориб, сўраб-суриштириб Юрсиннинг уйини топишди. Эшикни жуссаси кичиккина, кўзлари йилтираган бир қаримсиқ жувон очди. “Хотини шу экан-да”, деган ўй ўтди Турсуналининг ҳаёлидан. На тил бор, на даҳан? Эшитилар эшитилмас, лаб учида “келинглар” деди-ю, изига қайрилди. Киришди. Келин дастурхон ёзиб бир буханка нон билан битта ликопчада оқ кант келтириб қўйди. Кейин Юрсиннинг ойлиги озлигидан, топганлари ейиш – ичишдан ортмаслигидан ёзғиршга тушди. Юрсиннинг ўзи алламаҳалда ширакакайф қайтди. Келди-ю шундоқ йўлакка “шилқ” этиб тушди. “Келинглар” дейишга ҳам ярамади... Она-бола шунча йўл босиб борганларига пушаймонлар еб тонготар изларига қайтишди. Шундан кейин онаси кўп яшамади...

Эшикни очган йигитча Юрсиннинг ўғли эди. Тиззасини-да ёпма-

ган шортигини демаса шир яланғоч, оёғини чалиштирган куйи сақич чайнаганча “нотаниш одам”га хушламайгина тепадан қаради:

– Ким керак?
– Мен қишлоқдан... Амакингман,
– деди Турсунали. – Даданг уйдаими?
– Йўқ.
– Қаерда?
– Ишда.
– Телефон қил, мени келганимни айт...

Йигитча шортиги чўнтагидан телефонини олиб, дадасига телефон қилди. Телефон қурғурнинг овози баландгина экан. Турсунали укасининг ҳамма гапини эшитиб турди: “уйга киритма... Мени бугун келмайдилар де...”

Турсунали бир сўз демай изига қайтди.

У бир эмас, икки қизи бўй етиб эшигидан совчи узилмай қолганини, ўзи касалванд, хотини инқи-синқи эканлигини, ховлининг бир қисмини сотмаса бўлмаслигини, шунга мажбур бўлиб қолганлигини укасига ётиғи билан тушунтирмоқчи эди. Бўлмади. Бўлмади...

Ўша тун Гулсара “эрим келиб қолар” деб кўнгли алағда ҳолда эшикни тамбаламай, тик этса ташқарига термилиб ётди. Эрталабга яқин кўзи илинди. Тонг ғира ширасида уйғониб кетди. Ўрнидан оғир туриб, қўйларга ем бериш учун оғилхона сари юрди. Ичкари кириб, икки-уч одим ташлагач, бошини шипга осилиб турган бирнимага уриб олди. Кўркиб илкис қаради-ю, эрининг жонсиз танасига кўзи тушиб “дод!” дея турган жойига кулади...

ОНАЖОНИМ, СОҒ БЎЛИНГ!



– Онамиз касалхонада...

Акасининг бу гапидан телефон минбранаси ҳам титраб кетгандек бўлди. Нозима ошиғич раҳбари хузурига кириб, унга вазиятни тушунтирган бўлди-ю, кўчага отилди. Дуч келган машинага ўтираркан “аэропортга!” деди. Кейин ногаҳон бир нарса эсига тушгандек, телефонини олиб, эри Маликжонга қўнғироқ қилди. “Шунақа-шунақа... Нигорани ўзингиз боғчадан оларсиз...” деди. “Бориб телефон қиламан” деди яна. Аэропорт навбатчиси яхши киши экан. Аёлни сўзларидан, илтижоли боқишларидан вазиятни англади. Навбатдаги рейсга билет тўғрилаб берди... Самолёт ҳавога шитоб билан кўтарилди. Нозиманинг кулоқлари остида акасининг “онамиз касалхонада”, деган сўзлари хануз жаранлаб тургандек, кўз олдидан онаси, онасининг меҳр тўла киёфаси кетмасди. Тезроқ етсам дерди...

Роҳила ая елкасида оқ халат билан палатага кириб келган қизига кўзи тушиб, бошини ёстикдан кўтарди.

– Вой, Шарифжонни ваҳимаси курсин? – деди у ўзини тетик тутишга ҳаракат қилиб. – Саниям овора қипти... Айтмагин дегандим...

Нозима шундоққина полга тиз чўккан куйи онасини қучоклади. Юзларини юзларига босди.

– Сизга нима бўлди? – деди кейин кўзларига термилиб.

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, – деди онаизор жиламайишга урниб. – Шу десанг, биқинимда бироз оғриқ туриб... дўхтирларга кўринсам... ётасиз, деди... Саниям овора қипти-да аканг. Ҳали келса... кулоғини чўзиб қўймасамми? Мен яхшиман, болам, мен яхшиман...

Сал ўтиб ҳаммаси аён бўлди. Аяни даволаётган профессор гапнинг бўладиганини айтди. Жигар церрози... Агар соғлом жигар топилиб, кўчириб ўтказилмаса...

Нозима шошиб қолди.

– Йўқ-йўқ! – деди ранги – қути ўчиб. – Бундай бўлиши мумкин эмас... Онам яшашлари керак. Жон дўхтир...

– Буёғи энди сизларга боғлиқ, – деди профессор. – Жигари соғлом донорни қанчалик тез топсангизлар шунчалик яхши...

Эртасига қизи Нигорани олиб Маликжон ҳам этиб келди.

Роҳила хола ҳаммасини билган, эшитган экан.

– Бу ёғи худодан... Ўзларингни уринтирманглар, – деди қизини чақириб.

– Ундай дея кўрманг, – деди овози товланиб

Нозима. – Дўхтир айтган донорни аллақачон топиб қўйибмиз. Кўрмагандек бўлиб кетасиз...

Аслида, фарзандлар донор ахтаришни ўзларига эп кўришмаганди. Акаси, Нозиманинг ўзи яна Маликжон ҳам кечанинг ўзида кўрикдан ўтиб, қон анализи топширишди. Нозиманинг қон гуруҳигина онасики билан бир хил чиқди. Маликжон хотинига қаради.

– Онам учун қоним-ку қоним, жонимни-да беришга тайёрман, – деди Нозима. – Ҳаммасига тайёрман...

Хушёр-да, онажониси. Бу “гап-сўз”ларнинг ҳаммасини сезган экан, билган экан. Қизини қайтаришга уринди, худонинг зорини қилди. Бўлмади. Қароридан қайтмади Нозима. “Сиз соғ бўлсангиз, мен яхши юраман”, деди.

Ана Нозимани олиб кириб кетишди. Она ётган жойида қизининг изларига термилиб қолди. Кўзларидан икки томчи ёш думалаб, юзларини ювиб тушди...

Ҳадемай Роҳила холани ҳам “операционний”га олиб кириб кетишди.

Шундан кейин нима бўлди билмайди Роҳила хола...

... Яқинда Нозима докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ўзига ҳамкасблари тутқазган катта гулдастани залнинг олдинги қаторида фаришталардек оппоқ кийиниб, рўмолни дол қўйиб ўтирган онажонисига топширди.

Роҳила холанинг кўзларидан тиркираб чиққан икки томчи ёш юзларини ювиб тушди. Бу қувонч ёшлари эди...

Ортиқали НАМОЗОВ



Бу воқеалар юз бераётган гўзал шаҳар Кўнё деб аталади. Кўнё бу – Мавлоно шаҳри! Қаранг-а, бутун бошли бир шаҳар мутафаккир шоирнинг номи билан боғлиқ бўлса! Ҳатто анча-мунча шоҳга йўқ шаҳар шоирга бор-а!..

Ахир, “Кўнё” дейилса, ортидан “Мавлоно шаҳри” деб қўйишади-да. Шаҳарнинг бош сифати – шу. Мавлонони ким билмайди, дейсиз?.. Дунёга келиб, тўртта китоб варақлаган кишики бор, мавлононинг даҳоси, ҳеч бўлмаганда, битта ҳикматига дуч келган ёки умри давомида энди келгайдир. “Мавлоно” деганимиз олам аро маълуму машҳур ҳазрати Жалодиддин Румий бўлиб, отаси Хоразм давлатидан афғон томонларга кўчиб кетган эди. Милодий 1207 йилда Балхда туғилган Жалодиддин ҳозирги Туркия тупроқларида ўсиб улғайди. Бу ёруғ оламга келишининг ўзи кўпгина мамлакатлар билан боғлиқ бўлган ҳазрати Румийнинг даҳоси дунёни эгаллаб, башариятга дохил меросга айланди. Ўлмас мактабу университетда ўқиб юрган чоғларида у ҳақдаги бир романни ўқиган, тўрт-бешта рубойиyo яна шунчага ғазалларини ёд олган эди. Кўнёдаги ҳаёт уни ирқу миллат, дину урф-одат чегараларини ошиб ўтган мавлоно оламига янада яқинлаштирди. Натижада дам олиш кунлари курсдошлари билан Румий макбараси зиёратига боришни одат қилди у. Дўстлари атроф-жавонибни, музейни томоша қилса, Ўлмас ҳазратнинг оёқ томонида ўтириб олиб, най садоси остида ҳаёлотга чўмар бўлди.

– Кетдик, ўртоқжон! Йўқосам, кечки овқатга кечикамиз! – дерди шевада гапирадиган тили ширин Валижон Ўлмасни “юрт”га чорлаб.

– Хўп-у, ўртоқжон, фақат шу “йўқосам” деганийз нимаси? – дерди Ўлмас сафдошини тушуниб турганига қарамай ҳазиллашиб.

– “Йўқосам” деган калом йўқолиб кетган тилга мансуб сўз бўлиб, бўлажак тилшунос Валижон Турон уни “тирилтириш” бўйича ҳозирда жиддий илмий изланишлар олиб бормоқда. “Йўқосам” ўзбекчага “йўқса” дея ағдарилади ҳамда Вали Турон лексикасида фаол қўлланилади!.. – Деди бу гал ҳазилга қўшилиб кетиб Музаффар.

Ҳаммалари қаҳ-қаҳ отиб кулишди.

Шундай кунларнинг бирида, автобус кутишаркан, бекат четида симит сотиб ўтирган болакайнинг йиғлаётганига гувоҳ бўлиб қолишди. “Симит” деганимиз Ўзбекистонда пишириладиган тешиккулчага ўхшаб кетади. Шакли ўхшайдиyo лекин мазасида яхшигина фарқ бор. Шунга кўра, уни ўзи билан атаб қўйган маъқулдир, эҳтимол.

– Ассалому алайкум, болажон!

– Ваалайкум ассалом! – Ўзи йиғлаб

турса ҳам дона-дона қилиб алик олди болакай.

– Нега йиғлаяпсан?

– Отам келмаяпти?

– Отанг қаерда?

– Ишда.

– Ишда?

– Ҳа, ҳар кун эрталаб мени бу ерга қўйиб, ўзи кечкурун олгани келарди. Негадир бугун келмаяпти. Кўрқяпман... Симитларим ҳам сотилмади. Отам келса, уришади энди...

– Йиғлама, ҳозир бир чорасини топамиз! – деди Музаффар.

– Симитларинг нечта? Сана, ҳаммасини сотиб оламиз! – деди қўлиyo юзи очик Абдумурод.

– Ҳа, сана, болажон! – далда берди Валижон.

Бола ҳамон йиғлаб турарди. Афтидан, унинг фикру ёди кечикаётган отасида эди. Ахир, келмаса, нима қиларди?..

Абдумурод симитларни санаб пакетга солди.

– 14 та экан, болажон, тўғрими?.. Доноси 20 лираданмиди?

– Ҳа.

Абдумурод пул чиқарди. Музаффар унга кўшди.

– Мана, бу мендан! – Ўлмас ҳам бешта симитга лойиқ пул узатди.

– Мана, ол!

– Раҳмат! – Болажон пулни олди. Лекин ҳиқиллашни бас қилмади.

– Симитларинг сотилди, яна нега йиғлайсан?

– Отам келмаяпти-ку!.. Кеч тушиб қолди. Совқотдим...

– Ҳар доим вақтида келганми ўзи?

– Ҳа.

– Нега бугун келмаяпти унда?

– Билмасам. Бунақа кеч қолмасди.

– Нега сен симит сотаяпсан? Ҳали жуда кичкинасан-ку?

– Ким сотади бўлмасам? Сингилларим менданам кичкина-да!..

– Мактабга чиққанмисан?

– Йўқ, яна бир йил бор...

– Ота-онанг ишламайдими?

– Отам ишлайди. Кейин мен...

– Ҳм... – ўйлади Ўлмас... – капитализм – бу, капитализм!.. Бизда бундай ҳол кузатилмайди.. Сира кўрмаганман... Социализм яхши экан, барибир... – Автобус келутти! – Деди Валижон шу чоғ.

– Нима қиламиз?..

– Кетамиз. Кейинги автобус ярим соатдан кейин келади!..

– Болани нима қиламиз?..

– Нимаям қилардик, отаси кепқо-

лар...

– Ҳа, келади.

– Йиғлама, бола!.. Ҳозир отанг келади!..

Лекин бола ҳамон йиғларди...

– Кетдик!..

– Отанг ҳозир кепқолади, болажон!..

– курсдошларнинг оғзидан баралла чиққан бу гап болани эмас, йўқ, балки ўз виждонларини тинчлантириш учун айтилгандек жаранглади.

Ахир, бола ҳамон йиғларди...

Худди шу суврат – болажоннинг йиғлаб турган қиёфаси Ўлмаснинг кўз ўнгига қотиб қолди! Шом пайти, атроф ғира-шира, совукдан дирдир титраётган, устига устак, отаси келмаётган, қачон келиши ноъмалум бўлган болакайни тўрт барваста йигит – курсдошлар ўзларини нималар биландир овутиб ташлаб кетишди-я!.. Ҳа, худди шундай қилишди.

Адабиётдану маънавиятдан соатлаб ваъз ўқийдиган, ўқий оладиган йигитлар эди, ахир, улар!.. Устига устак, социализмдан келган эдилар...

Ўшанда изғиринли бекатда бир ўзи қоронғида қолиб кетган, совукдан дирдир титраётган болажоннинг отаси келганмикан?..

Энди Ўлмас бу саволни бир умр ўзига ўзи бериши муқаррар. Қолганлар ҳам шундайдир, эҳтимол...

Яна бу воқеа Мавлоно шаҳрида рўй берди. Боз устига, йигитлар ҳазратнинг олдида, унинг зиёратидан келишаётган чоғда!..

Ўлмас ўшанда бир нарсани чуқур англаб етди: ҳаётда инсон қаршисида кўндаланг туриб қоладиган шундай саволлар бўлар эканки, улар бош узра қилга боғланган қиличдек бир умр осилиб қолавераркан. Ҳа-ҳа, айнан шундай бўларкан. Ўша вақтда – талаба экан, у буларни тузукрок билмасди. Билганда борми, эғнидаги иссиқ курткасини ечиб, болажоннинг устига ёпган, бу билан ҳам чекланмай, болакайнинг ёнида қолиб, кечикаётган отасини кутган бўларди. Ҳа, шундай қилган бўларди... Йўқса, эртасига эртамандан дарсга ҳам бормай, шу ерга – бекатга, бола симит сотиб ўтирган жойга қайтиб келармиди?.. Келмасди... Лекин энди кеч эди. Келганда бола йўқ эди. Лекин у бу ишини ўз вақтида қилиши керак эди. Ўз вақтида қилмадим, таъмом, “поезд кетиб бўлган” саналади. Ҳаммага бир марта бериладиган имкондан у фойдалана олмади. Худди ўртоқлари каби... Нега?.. Қачондир у бу саволнинг жавобини топар, лекин ҳозирча “мум” тишлаб юради. Жавобни топган тақдирда ҳам “миқ” этмаса керак энди бу ярамас – “қаҳрамон”...
Улуғбек ҲАМДАМ

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1010
Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
99-791-43-23,
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6

2023 йил 1 октябрдан Ўзбекистоннинг тарихий шаҳри – Самарқандда Марказий Осиё ёшлар экологик оромгоҳи иш бошлади. Оромгоҳ барқарор ривожланиш маданиятини тарғиб қилиш ҳамда иқлим масалаларига болалар ва ёшларни жалб қилиш бўйича Марказий Осиё стратегиясини ишлаб чиқишга қаратилган.

“МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОВОЗИ”:

5 та мамлакатдан келган экофаоллар Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиш маданиятини ривожлантириш стратегиясини муҳокама қилмоқда



2 октябрь куни “Ипак йўли” халқаро туризм ва маданий мерос университетида бўлиб ўтган тантанали очилиш ва байроқ кўтарилиши маросимида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳақимов, Мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари Усмон Шарифхўжаев, Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари Дилнозахон Каттахонава, UNICEFнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде ёшларга. – Умуман олганда, иқлим ўзгариши ҳақида гапирганда, сизларнинг ҳиссангиз, иштирокингиз ва фикрингизсиз ҳеч қачон жиддий натижаларга эриша олмаймиз”.

Беш кун давомида “UNICEFнинг Марказий Осиёдаги иқлими”, “Минтақавий муаммолар ва БМТ-ТД томонидан иқлим ўзгаришини юмшатиш ва мослашиш чора-тадбирлари”, “UNICEFнинг болаларга оид декларатсияси”, “UNESCOнинг ГЭП ташаббуси”, “Минтақавий миқёсдаги лойиҳаларнинг амалий мисоллари”, “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва таълим вазирликларининг минтақавий стратегия бўйича кириш маърузаси”, Марказий Осиё йўл харитаси бўйича гуруҳларда ишлаш, “Ипак йўли халқаро туризм ва маданият университети шахмат турнири, жамоаларда иш натижалари муҳокамаси ва тақдироти, “Эко-Заковат” ўйини, “Ўзбекистонда экологик таълим” Эко-мактаблар лойиҳаси тақдироти, хорижий делегатсиялар вакиллари Марказий Осиёдаги экологик таълим дастурлари тақдироти, “Ипак йўли” университетининг “Марказий Осиё йўл харитаси” ва “Марказий Осиё халқларининг барқарор амалиёти ва анъаналари” мавзусидаги тақдирот-

кистон ва Туркменистоннинг 60 дан ортиқ экофаол етакчилари учун ташкил этилган “Марказий Осиё” эко-оромгоҳи 30 ноябрдан 12 декабргача Бирлашган Араб Амирликларида (БАА) бўлиб ўтадиган СОП-28 – Иқлим ўзгариши бўйича конвенсия иштирокчилари конференциясига тўғри келди.

“Кун тартиби жуда муҳим, чунки биз бу жараёнда ҳал қилувчи овозларни таъкидлашни истаймиз, – деди UNICEFнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде ёшларга. – Умуман олганда, иқлим ўзгариши ҳақида гапирганда, сизларнинг ҳиссангиз, иштирокингиз ва фикрингизсиз ҳеч қачон жиддий натижаларга эриша олмаймиз”.

Беш кун давомида “UNICEFнинг Марказий Осиёдаги иқлими”, “Минтақавий муаммолар ва БМТ-ТД томонидан иқлим ўзгаришини юмшатиш ва мослашиш чора-тадбирлари”, “UNICEFнинг болаларга оид декларатсияси”, “UNESCOнинг ГЭП ташаббуси”, “Минтақавий миқёсдаги лойиҳаларнинг амалий мисоллари”, “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва таълим вазирликларининг минтақавий стратегия бўйича кириш маърузаси”, Марказий Осиё йўл харитаси бўйича гуруҳларда ишлаш, “Ипак йўли халқаро туризм ва маданият университети шахмат турнири, жамоаларда иш натижалари муҳокамаси ва тақдироти, “Эко-Заковат” ўйини, “Ўзбекистонда экологик таълим” Эко-мактаблар лойиҳаси тақдироти, хорижий делегатсиялар вакиллари Марказий Осиёдаги экологик таълим дастурлари тақдироти, “Ипак йўли” университетининг “Марказий Осиё йўл харитаси” ва “Марказий Осиё халқларининг барқарор амалиёти ва анъаналари” мавзусидаги тақдирот-



лари, университет ҳудудида дарахт экиш ва бошқа маъруза ҳамда тадбирлар ташкил этилди.

Шунингдек, эко-оромгоҳ иштирокчилари учун “Силк Род Самарқанд” сайёҳлик мажмуаси, “Кони-гил” туризм қишлоғи ва тарихий Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларига экскурсиялар ташкил этиляпти.

Марказий Осиё эко-оромгоҳи ташаббуси ёшлардан чиққан муҳим аҳамият касб этади. Ёш экофаолларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги ташаббускорликлари биз катталарни янада масъулиятли бўлишга ундай-



ди, деди “Замин” халқаро жамоат фонди ижроия органи раҳбарининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳҳор Абдуғаниев. Ёшлар экологик муаммоларни ҳал қилишда уларнинг ҳам овозини инобатга олишимиз муҳим эканлигини таъкидлашмоқда.

Эко-оромгоҳда ёшлар, олимлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари жамоа бўлиб, ҳамкорликда иш олиб боришади.

Маълумот учун, Марказий Осиё эко-оромгоҳи Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва

иқлим ўзгариши вазирлиги, Мактабгача таълим ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт ишлари вазирлиги, “Замин” халқаро жамоат фонди, UNICEF, UNESCO, БМТ Тараққиёт дастури ва ФАО (БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти) кўмагида ташкил этилди.

Тадбир давомида UNICEF, БМТ-ТД, ФАО ва UNESCO мутахассислари Марказий Осиёдаги иқлим ўзгаришига эътибор қаратиб, глобал исиш, унинг сабаблари ва оқибатларини ўрганиб чиқдилар. Ёшлар вакиллари халқаро экспертлар билан биргаликда иқлимнинг минтақа иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасига таъсирини ҳам муҳокама қилдилар.

“Бугунги эко-оромгоҳ нафақат муҳим мавзуларни муҳокама қилиш учун қулай имконият, балки ёшлар экологияни асраб-авайлаш учун курашнинг фаол иштирокчисига айланишининг ҳақиқий намунасидир, деди қозғистонлик ёш эко-фаол Раҳима Нокен. Мунозаралар давомида менга ёққан энг қизиқарли гоялардан бири бу “Иш топишда ёки университетга ўқишга киришда кўнгиллилар соатини жорий этиш” бўлди.

Марказий Осиё эко-оромгоҳининг асосий мақсади иқлим ўзгаришига қарши курашда ёшларнинг ролини эътироф этиш, ёш экологик фаолларга таклифлар ва эко ташаббусларни илгари суриш учун платформа тақдим этиш, шунингдек, Марказий Осиёда ёшлар экологик ҳаракатини интеграция қилишдан иборат.

Вазирлик ахборот хизмати.

